

# ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ №00021

Самарканд шаҳри

14.01.2022 йил

МСҲJ «HUMO MED-PHARM», кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи З.Исмаилов номидан, бир томондан ва Самарканд вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар З.Б.Умирзаков. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар номи	Улчов бирлиги	сони	Нархи	Суммаси	ҚҚС		Сумма
						%	Сумма	ҚҚС билан бирга
1.	Перчатка н/стерил	дона	20000	1350	27000000	ҚҚС-сиз		27000000
	<b>Жами</b>				<b>27000000</b>			<b>27000000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **27000000**( Йигирма етти миллион ) сўмни ташкил қилади .

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб \_\_\_ банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича \_\_\_ кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош торгганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментни ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи: MChJ «HUMO MED-PHARM» Манзил: Самарканд вилояти, Самарканд шаҳар, Нурли келажак МФЙ, Сайқал кучаси, 10 уй
Тел.: 933380002
Х/Р 20208000205275009001 Банк номи : Агробанк АТБининг ҳудудий филиали
СТИР коди: 307630975
ОНХ:
МФО : 00279
Рахбар (директор): <u>З.Н. Исмаилов</u> М.Ў (имзо)

Буюртмачи
Ташкилот номи: Самарканд вилоят ОИТСга қарши қурашиш маркази. Манзил:
Тел.: (78) 210-13-51 Факс: СТИР коди 202433292
ОКОНХ: 91531 МФО 00014 Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: <u>100021860184017074910054001</u> Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарканд вилояти ғазначилик бошқармаси Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Б.Б ХККМ МФО : 00014 Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919
Рахбар (директор): <u>Б.Б. Умирзаков</u> М.Ў (имзо)

*З.Н. Исмаилов*

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Вилоят ОИТС га қарши қураш маркази  
бош врач

*З.Б.Умирзаков*  
МУХР

Марказ учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

**Б А Ё Н И №3**

2022 йил 14 январ

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи

Марказ бош врач уринбосари

Г.Умарова

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари

Ж.Жумаева

М.Чуянова

Д.Аллазова

Г.Р.Абдулақимова

М.Мустафоева

А.Ахророва

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

Марказ учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа хизматларни харид қилиш бўйича МСНЖ «HUMO MED-PHARM», ООО«SPACE MED» ва «Фармед Самарқанд»Х/К томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш юзасидан ўтказилган тендер комиссияси йиғилишида.

Сўзга чиққанлар: М.Чуянова, Д.Аллазова, Абдулақимова.Г.Р

Марказ учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа хизматларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи Комиссиясининг дори-дармон харид қилиш бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган

№	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ		
				МСНЖ «HUMO MED-PHARM»	ООО«SPACE MED»	«Фармед Самарқанд»Х/К
1	Перчатки н/стерил	Шт	20000	27 000 000	28 500 000	30 000 000
	<b>ЖАМИ:</b>			<b>27 000 000</b>	<b>28 500 000</b>	<b>30 000 000</b>

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

- Самарқанд шаҳар Нурли келажак МФЙ Сайкал кучаси 10-уйда жойлашган МСНЖ «HUMO MED-PHARM» томонидан 2022 йил 14 январдаги тижорат таклифи билан;

- Самарқанд шаҳар А.Кушчи 19-уйда жойлашган ООО«SPACE MED» томонидан 2022 йил 14 январдаги тижорат таклифи билан;

- Самарқанд шаҳар Дахбет кучаси 1-уйда жойлашган «Фармед Самарқанд»Х/К томонидан 2022 йил 14 январдаги тижорат таклифи билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

“Корхоналар томонидан дори-дармон ва боғлов материалларини сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириб бериш (териш) ва уларни олингунга қадар омборларда тўлик сақлаб туриш кафолати берилган”.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида дори-дармон махсулотларини МСНЖ «HUMO MED-PHARM» дан олинганлигини эътиборга олиш лозимлиги айтиб ўтилди”.

Шунингдек, ООО«SPACE MED» ва «Фармед Самарканд»Х/К ларининг харид таклифларида қайд этилган нархлари МСНЖ «HUMO MED-PHARM» ташкилотидан нархлари баландлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлик сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узуклиги, транспорт харажатларни хар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

#### Қ А Р О Р К И Л А Д И :

1. Марказга тақдим этилган дори-дармон махсулотлари нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва махсулотларни олингунга қадар омборларда тўлик сақлаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхонани Самарканд шаҳри марказида жойлашганлиги, бу дори-дармон махсулотларини олиб кетиш учун қулай эканлиги ҳамда транспорт харажатларини иктисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли МСНЖ «HUMO MED-PHARM» дан харид қилинсин.ў

2. МСНЖ «HUMO MED-PHARM» дан дори-дармон махсулотларини харид қилиш бўйича марказ ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. МСНЖ «HUMO MED-PHARM» дан дори-дармон махсулотларини харид қилиш бўйича марказ ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 10 кун ичида Самарканд вилоят Ҳазначилик бошқармаси (булинмаси) юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

Самарканд вилоят Ҳазначилик бошқармасига 10 кун муддат ичида хўжалик шартномалари билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;

- мазкур комиссия йиғилиши баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;

- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (базариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган лицензия;

- товарлар микдори, ҳажми, тури, нархи ва суммаси қайд этилган товарлар рўйхати;

- танлов ёки тендерда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган тартибда ва шаклда тақдим этган харид таклифлари

- йўриқномаларда белгиланган бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим қилинсин.

4. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

5. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

Марказ бош врач уринбосари:

Г.Умарова

Лаборатория бўлим мудир:

М.Чуянова

Поликлиника бўлим мудир:

Д.Аллазова

Ташкилий бўлим мудир :

М.Жумаева

Бош хамшира:


Г.Р.Абдулакимова

Лаборант

М.Мустафоева

Хамшира

А.Ахорова



Самарканд вилоят ОИТСга карши курашиш  
маркази Бош врач З.Б.Умирзаковга

ООО “ХУМО МЕД-ФАРМ “ Самарканд вилоят ОИТСга карши курашиш маркази 2022йил 14-январ куни Дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйидаги дори-дармон воситалари буйича уз таклифларимизни маълум киламиз:

№	Товар (маҳсулотлар ) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Бахоси
1.	Перчатки н/стерил	дона	20000	1350	27000000
	<b>Жами</b>				<b>27000000</b>

Таклиф этилаётган дори-дармон воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш ва бажариш зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга кадар омборларда тўлик сақлаб туриш кафолатланади (бошка имкониятлар ҳам қайд этилиши мумкин)

ООО “ХУМО МЕД-ФАРМ “



З.Н.Исмаилов

11.08.2020

Davlat xizmatlari markazi

3450754



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektini yagona davlat reyestriga

**"HUMO MED-PHARM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"HUMO MED-PHARM" MCHJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.08.2020

879883

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (toz bilan), yil)

Soliq to'lovchining id. raqami (STIR):

307630875

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**"HUMO MED-PHARM"**  
Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Samarqand shahri, Nuri kelaajak MFY, Sayqal ko'chasi,  
10-uy,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati Samarqand shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





№ 2496-4151-7731-d981-41b5-8818-5537  
Хужжат яратилинган сана: 2020-10-02  
Ариза рақами: 22568256

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "HUMO MED-PHARM"  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 307630975

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги  
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги  
Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15714 - сонли  
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "HUMO MED-PHARM" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Нурли келажак МФЙ, Сайқал кўчаси, 10 уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):	307630975
Лицензия берилган сана:	25-09-2020 йил
Амал қилиш муддати:	25-09-2025 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:	14299-20
Ваколатли шахс:	С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA



Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида қўрсатилган маълумотлар тўғрилгини тоқидириш учун hero.gov.uz веб-сайтга ўтинг ва электрон ҳужжатнинг нөсб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар ҳонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян таъқиқланган.

0202

